

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни
— 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

ПАНШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

1996 йил июл

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР КҮМИТАСИ, БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

Баҳоси эркин нарҳда



• Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 23-28 июн кунлари АҚШга амалий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янги поғонага кўтаришда бурилиш нуқтаси бўлди. Президентимиз Оқ уйда АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашди, бошқа бир қатор расмий доиралар вакиллари билан мулоқотда бўлди.

Вашингтондаги «Смисониан институт» музейлар мажмуасининг Саклер галереяси ходимлари мамлакатимиз делегациясига Амир Темур учун кўчирилган Усмонли Куръони саҳифалари нусхасини топширдилар.

Ташриф кунлари яна бир тарихий воқеа юз берди: Вашингтонда Ўзбекистон элчихонаси янги биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цземин шу йилнинг 2-3 июл кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди.

• Республика Ички ишлар вазирлиги академиясида битирувчиларга дипломларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда вазирлик вакиллари, битирувчиларнинг ота-оналари иштирок этишди.

• Пойтахтимиздаги «Исломо-бод» маҳалласида «Мустақиллик: маҳалла юксалиш йилларида» номли илмий-амалий конференция бўлди. Республикамиз мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланган ушбу анжуманда Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Д. Фуломова «Жамият тараққиётида хотин-қизларнинг ўрни» мавзусида маъруза қилди.

• Республикамизда июл ён-гинга қарши кураш ойлиги деб эълон қилинди.

• Муқимий номидаги Тошкент Давлат мусиқали ва комедия театрида режиссёр Баҳодир Назаров драматург Насурулло Қобулнинг «Иброҳим алайҳиссаломнинг туғилиши» асарини сахналаштирди.

ЎЗА ва республика матбуоти хабарлари асосида тайёрланди



Муҳаммад Амин сурати

ЧОРВОК МАНЗАРАЛАРИ

УШБУ СОНДА:

3-бет:

Ғафлат

4-бет:

«Қаердасан бағритошим?!»

5-бет:

«Боғча амакилар»... борми?



АКЦИЯ
ИҚТИСОД
ТАЯНЧИ!

MILLY INVESTICIYA FONDI
ИНВЕСТИЦИОННЫЙ ФОНД

тел: 363084
Тел / 343176
Факс:

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган «Истиқбол, қадрият ва аёл» Республика кўрик танловининг НИЗОМИ

Мамлакатимизда мустақиллик эълон қилингандан кейинги ўтган давр ичида миллий қадриятларимиз, муқаддас урф-одатлар, анъаналаримизни тиклаш ва янада ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилди. Шунингдек бугунги кунда аёлларимизнинг ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва обрў-этибори, уларнинг меҳнати, жисмоний соғлом, маънавий бой, ахлоқан пок ёш авлодни тарбиялашдаги хизматлари муносиб баҳоланмоқда.

Мустақиллик жамиятимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, оилани мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий истиқлол мафкура-си асосида тарбиялашга тўла имконият берди. Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб жамият аъзоларини, шу жумладан турли тоифадаги ёшларни, хизматчи аёллар, хомиладор ва кўп болали оналарни, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза этишга, нафақахўрлар, ногиронлар, кексалар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор фармонларни бажаришни амалга оширишни мақсад қилиб қўйди.

1. КЎРИК ТАНЛОВНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАСИ

1.1. Ўзбекистон хотин-қизлар Қўмитаси республикада ўтказиладиган иқтисодий ислохотларни амалга оширишга хотин-қизларни кенг жалб қилиш ва Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги ҳамда соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан хотин-қизлар қўмиталари

ўртасида «Истиқбол, қадрият ва аёл» мавзусида Республика кўрик танлови ўтказилади.

Кўрик танловнинг асосий мақсади республиканинг барча вилоятларида мустақиллигининг 5 йиллиги ва соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан хотин-қизлар қўмиталари томонидан хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, соғлом авлодни тарбиялаш, хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилиш, кичик ва хусусий корхоналарни очиб, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда оила ажримлари, аёллар ўртасида содир этилаётган жиноятнинг олдини олишдаги қўлга киритилган ютуқлар тўлиқ ифода этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан чиқарилган хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни тарбиялаш борасидаги фармон ва қарорларнинг бажарилиши;

— кичик ва хусусий корхоналарни очиб, тадбиркорликни ривожлантиришда қўлга киритилган ютуқлар;

— саноатни қишлоққа олиб кириш ва маиший хизмат кўрсатишнинг ташкил этилиши;

— жойларда аёллар саломатлигини муҳофаза этиш, қишлоқ аёлларини иш билан таъминлаши;

— аёллар ва болалар ўлимнинг камайиши кўрсаткичлари;

— оила ажримларининг ҳолати;

— хотин-қизлар ўртасидаги содир этилаётган жиноятнинг камайиши;

— 16 ёшга етмаган болалар ўртасидаги содир этилаётган жиноятнинг камайиши; (мана шу барча са-

воллар рақамли кўрсаткичлар орқали берилиши лозим);

— маҳалла, корхона, ташкилотлар ва хотин-қизлар қўмиталарининг «Намунали аёл», «Тадбиркор аёл», «Жамоатчи аёл», «Намунали оила» каби фаол аёллар ишларидан намуналар; (ишлари тўлиқ берилсин);

(Ҳар бир саволга тўғри ва мазмунли жавоб талаб этилади ва ҳар бир саволга жавоб балл системасида баҳоланади).

1.2. Кўрик танловга қўйилган талабларга вилоят, туман ва шаҳар, хотин-қизлар қўмиталари ижодий ёндашишлари мумкин.

Кўрик танловга иштирок этувчи ҚҚР, вилоят, туман ва шаҳар хотин-қизлар қўмиталари Республика кўрик танловига қўйиладиган ҳужжатларни тавсия этади:

— маҳалла, ташкилот, хотин-қизлар қўмиталарининг иш режалари;

— жойларда олиб бориладиган ишлардан намуналар;

— кўрғазма ва таблицали кўрсаткичлар;

— видео кўрсатувлар;

— статистик маълумотлар.

Ҳар бир вилоятда қилинган ишлар ва режаларини плакатлар, расмлар ва албомларда ифода қилинган бўлиши учун 7 дақиқа вақт белгиланади.

2. КЎРИК ТАНЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2.1. Кўрик танлов икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқич республика туманлари ва вилоятларида шу йилнинг август ойида, иккинчи босқич сентябр ойида Республика миқёсида ўтказилади. Ҳужжатлар вилоятлар хотин-қизлар қўмиталарига 1 августга, республи-

лика хотин-қизлар Қўмитасига 1 сентябрга топширилади.

2.2. Ушбу Низом асосида ҚҚР, барча вилоят ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталарида «Истиқбол, қадрият ва аёл» кўрик танлови ўтказилиши бўйича ташкилий Қўмита тузилади.

2.3. Барча босқичларда ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталарининг Раёсат аъзоларидан ҳакамлар ҳайъати тузилади.

2.4. Жойларда Низом асосида чора-тадбирлар ишлаб чиқиладиган.

2.5. Кўрик танловнинг бориши матбуот, телевидение ва радиода кенг ёритиб борилади.

3. ҲОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАШ

3.1. Мустақил республикамизнинг 5 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган кўрик танловнинг ҳолиблари ҳакамлар ҳайъати томонидан аниқланади ва тақдирланади.

Республика кўрик танлови ҳолиби 10 минг сўм пул ва телевизор;

II ўрин соҳиби 8 минг сўм пул ва гилам.

III ўрин соҳиби 5 минг сўм пул ва сервис билан тақдирланади.

4. КЎРИК ТАНЛОВНИ ЯҚУНЛАШ

4.1. Кўрик танлов натижалари ҚҚР, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари ҳамда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг ўтказиладиган Раёсат кенгашида муҳокама қилинади.

• Муассисларимиз фаолиятдан

«ҚИЗБИБИ» — МЕҲРҲУ САХОВАТ РАМЗИ

Бухоро вилоятида 1 миллион 343 минг аҳоли истиқомат қилади. Шундан 677 минг нафари хотин-қизлардир.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси оилаларни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, оилавий низо ва ажримларни камайиштириш, ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом ва ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш масалаларини ўз фаолиятининг устивор йўналиши деб белгилаб олган.

Вилоят бўйича кўп болали, ёрдамга муҳтож оилалар, қаровсиз қолган етим болалар рўйхатга олиниб, уларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатишмоқда. Ҳуқуқ-тартибот органлари, маҳалла, халқ таълими, тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда хотин-қизлар, вояга етмаган ёшлар ўртасида гиёҳвандлик, ичкибозлик ва бошқа турли иллатларнинг олдини олиш чора-тадбирлари белгиланиб, амалий ишлар қилинмоқда.

Вилоятда қизларни турмушга тайёрлаш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилди. Қизлар тарбиясида оила, мактаб, маҳалла, жамоатчилик ҳамкорлигида олиб бориладиган ишларни йўлга қўйиш масалалари бўйича методик қўлланмалар яратилиш, руҳий-маънавий ёрдамга муҳтож хотин-қизлар учун «Қалб» марказини ташкил этишга дастлабки қадамлар қўйилди. Шу дастурга мувофиқ Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси олийгоҳида «Қизлар-оила соадати» мавзусида илмий-амалий, бадиий анжуман ўтказилди. Бунда олимпиадалар, пазандалик ва чеварлик бўйича касб усталари ўз фойдали маслаҳатлари билан чиқдилар. Анжуманда иштирок этган 500 нафар қизга одоб-ахлоқ, пазандалик, орасталик, кийиниш маданияти, қизлар гигиенасига доир маслаҳатлар битилган «Қизларга мак-

туб» номли махсус китобча тарқатилди. Худди шундай тадбирлар вилоятнинг бошқа олийгоҳларида, барча туманларида ўтказилди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, ФХД бўлими вакиллари, тиббиёт мутахассислари, вилоят «Соғлом авлод учун» жамағармаси фаоллари, олимпиадалардан иборат махсус тарғибот гуруҳи иш олиб борапти. Бу гуруҳ аъзолари мунтазам равишда маҳаллаларда, қишлоқларда, мактабларда бўлиб, қизларни мустақил оилавий ҳаёт қуришга тайёрлаш борасида мулоқотлар ўтказмоқдалар.

Умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юрлари, ўрта махсус ва олий ўқув юрларида тарбиявий ишлар мазмунини такомиллаштириш мақсадида «Қизлар — миллат келажоги», «Турмуш — муомала маданияти», «Рўзгор юртида оқиллик» каби мунозаралар, кўриklar ва савол-жавоб кечалари ўтказиш йўлга қўйилди.

Вилоятда ҳар йили 11 мингдан ортиқроқ янги оила қуриляпти. Бу оилаларни ижтимоий-иқтисодий ва маънавий мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилляпти. Ҳар бир оиланинг ижтимоий ҳолатини акс эттирувчи паспортлар тузиладиган.

Оилаларда турли хил иқтисодий етишмовчиликлар натижасида келиб чиқадиган нотинчликларнинг олдини олиш мақсадида уларга иқтисодий, маънавий ёрдамлаштириш, оила бошлиқларини иш билан таъминлаш, уларга қўшимча томоқлар бериш, касб-ҳунар ўрганишлари учун шартлилар яратиб вилоят хотин-қизлар қўмитасининг биринчи навбатдаги вазифалари бўлиб ҳисобланади.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан хотин-қизлар ўртасида жиноят-

чиликнинг олдини олиш, Шарқ аёлига хос бўлган хислатларни улар онгига сингдириш борасида аниқ тадбирлар тузилган. Йил бошида «Жамиятда аёл ҳуқуқи» мавзусида ўқув семинари ўтказилди. Бунда вилоятдаги барча туман ҳокими ўринбосарлари, жамоа ҳўжаликлари, ташкилот, корхона, маҳалла, қишлоқ фуқаролари йигинлари, хотин-қизлар кенгаши раҳбарлари ҳамда вилоят прокуратураси, суд, ички ишлар, солиқ, адлия бошқармалари раҳбарлари иштирок этдилар.

Ўтган йилнинг октябр ойида вилоят «Тадбиркор аёл» уюшмаси тузилди. Бухоро шаҳрида, Бухоро, Вобкент, Когон, Пешку, Ромитан, Қорақўл ва Ғидувон туманларида ҳам уюшманинг бўлимлари ташкил этилди. Ҳозирги пайтда вилоятимизда 17 та хусусий, 80 та кичик корхоналар, 6 та деҳқон-фермер, 74 та деҳқон ҳўжаликлари фаол иш олиб бормоқдалар. Мингдан ортиқ ҳунарманд аёлларимиз якка тартибдаги иш фаолияти билан бандлар.

Вилоятда 1995—2000 йилларга мўлжалланган кичик, қўшма ва хусусий корхоналарнинг тармоғини ривожлантириш дастури тайёрланган. Унга асосан ривожланаётган кичик, қўшма корхоналар ва хусусий тадбиркорлик йўналишларини ёш мутахассислар билан таъминлаш мақсадида вилоятда 7 та ҳунар лицейи ва 3 та бизнес мактаблари таш-



Р. Албеков сурати

кил этилди.

Шу йилнинг февралдан бошлаб вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида «Қизбиби» хайрия жамағармаси ўз фаолиятини бошлади. Унинг мақсади кам таъминланган, кўп болали оилаларга ёрдам кўрсатиш, ўқув юрти талабаларига ва мактаб ўқувчиларига стипендиялар ажратиш, хотин-қизлар билан ўтказиладиган тадбирларга ҳомийлик қилиш, Жондор туманидаги Қизбиби архитектура ёдроллигини тиклашдан иборат.

ЗАМИРА АБДУЛЛАЕВА,
Бухоро вилояти ҳокими муовини,
вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси

Фафлат надоматни օрттиради. Фафлат неъмат қўлдан кетишига сабаб бўлади. Фафлат Оллоҳ йўлини пардалайди. Фафлат ҳасаднинг кучайишига сабаб бўлади. Фафлат кишининг озорланишига сабаб бўлади.

Бир киши тушида устозини кўриб, сўрабди:

— Сизнингча, қайси сабабдан сезилган пушмонлик каттароқ?

Устози:

— Фафлат сабаб бўлган пушмонлик, — деб жавоб берибди.

Яна бир киши тушида Зунун Мисрийни кўради ва шундай савол беради:

— Оллоҳ сенга нима қилди?

Мисрий жавоб беради:

— Мени ўз ҳузурида типпак турғизиб, шундай деди: «Эй ёлғончи, мени севганингни иддао қилардинг, ундай бўлса кейин нега фафлатда ётдинг?!»

Ёқуб алайҳиссалом билан ўлим фариштаси Азроил қардошларча учрашиб туришарди. Бир кун Азроил зиёратга келганда, ораларида шундай суҳбат бўлиб ўтди:

Ҳазрати Ёқуб:

— Эй ўлим фариштаси, зиёратга келдингми ё жонимни олганими?

Ўлим фариштаси:

— Зиёратга келдим.

Ҳазрати Ёқуб:

— Сендан бир талабим бор.

Ўлим фариштаси:

— Нимайкан у?

Ҳазрати Ёқуб:

— Ажалим яқинлашиб, жонимни олмоқчи бўлганингда менга сал олдинроқ хабар берсанг...

Ўлим фариштаси:

— Жуда соз. Сенга икки ё уч хабарчи юбораман.

Бу суҳбатдан бир мунча вақт ўтгандан кейин Ҳазрати Ёқубнинг ажали яқинлашди. Ўлим фариштаси яна келди. Ҳазрати Ёқуб сўради:

— Зиёрат мақсадида келдингми ё жонимни олганими?

Ўлим фариштаси:

— Жонингни олгани!

Ҳазрати Ёқуб:

— Қани ахир, сен менга олдиндан хабар бермоқчийдинг. Икки ё уч хабарчи юбораман дегандинг...

Ўлим фариштаси:

— Мен айтганимни қилдим:

— Сочларинг олдин қора эди, оқарди.

— Вужудинг олдин кучли эди, кейин қувватдан қолди.

— Андоминг олдин тик эди, энди букурлашди.

Эй Ёқуб, мана шу уч нарсаси, ўлимдан олдин инсонларга ме-

ган бир хабар шундайди:

Аршда шу шаклда ёзув бор:

«Мен (Оллоҳ) менга итоат этганинг истакларини бераман, ишийи йўлга қўяман. Мени севгани севаман. Мени чақирганга жавоб бераман. Афв тилагани афв этаман».

Ақлли мусулмон Оллоҳдан кўркади, Унга итоат этади. Ибодатларини ёлғиз Оллоҳ учун қилади.

Бошига тушган мусибатларга сабр қилади, ингранмайди. Эриш-



лоҳга ибодат қиялсан!» деган овоз қулоғига келади.

Бир одамнинг қопи йўқолади, кимга берганини ҳеч эслаёлмайди. Бир кун намоз ўқиётганда қопи кимдалиги эсига тушиб қолади. Намозни битирганда қулига қараб бақиради:

— Ҳой, фалон кишиникига бор, қопимизни сўра!

Қул:

— Қоп ундалигини қачон эсладингиз?

Хожа:

— Намозда!..

Қул:

— У ҳолда сиз ибодат қилмай, қоп кидирибсиз!..

Қулнинг бу гўзал танбеҳи ва тўғри эътиқоди туфайли хожаси уни озод этади.

Ақли бор одам қалбини дунёга эмас, Оллоҳга беради. Оқибатни ўйлайди ва охират учун ҳозирлик кўради. Шунинг учун ҳам Раббимиз буюради:

— Ким охират экинини истар экан, Биз унга экинининг ҳосилини мўл-зиёда қилурмиз. Ким дунё экинини истар экан, Биз унга ўшандан (дунё матоларидан) берурмиз ва унинг учун охиратда бирон насиба бўлмас!

Мол-мулкка муккасидан кетган инсоннинг қалбида Оллоҳ севгиси ва охират қайғуси бўлмайди. Пайғамбаримиз ва оила аъзолари дунё севгисидан ва дунёга берилишдан (топинишдан) қатъиян сақланишарди, қалбларида ёлғиз Оллоҳнинг муҳаббати ҳукмрон эди. Ана шу сабабларга кўра, Оллоҳнинг расули Пайғамбаримиз Фотимани турмушга чиқарганларида сеп сифатида фақатгина ошланган бир кўчқор пўстаги ила ичида хурмо дарахти пўстлогининг толалари бўлган бир ёстиқ совға қилгандилар, ҳолос.

Миразиз АбЗАМ таржимаси

Абу Ҳамид Ғаззолий

ҒАФЛАТ

нинг юборган хабарчиларимдир.

Абу Али Дақоқ ҳикоя қилади:

— Бир солиҳ зот бор эди. Замонасининг буюк олими эди. Бир ора хасталанди. Кўргани бордим. Атрофида талабалари ўтирган эди. У зот эса йиғлар эди.

Дедим:

— Эй устод, нега йиғлайсиз? Дунёдан кўчяпман дебми?

Деди:

— Йўк, дунёдан кўчаётганимга эмас, намозимни мазмунсиз ўтказганимга йиғлайман.

Дедим.

— Қандай? Сиз намозингизни тўла-тўқис адо этардингиз.

Деди:

— Ҳа, тўқис намоз ўқирдим, фақат бугунгача доим ғафлатда сажда қилдим, ғафлатда саждадан бошимни кўтардим. Мана энди эса ғафлатда ўляпман.

Уйнул — Ахборда Шақиқ Балхидан шундай бир хабар нақл этилади. Шақиқ Балхий дерки:

— Инсонлар уч нарсани оғизда кўп айтадилар, лекин феъл ва ҳаракатлари шу уч нарсанинг тескарисини қилади.

— Оллоҳнинг бандасимиз, Оллоҳнинг қулимиз! — дейдилар, лекин яшашларида қулдай эмас, хурдай ҳаракат қиладилар.

— Оллоҳ ҳар кимнинг ризқини кафолатга олган! — дейдилар, лекин қалблари ёлғиз дунё моли билангина қаноат топади.

— Дунёда ҳаммамиз ўткинчимиз, ҳаммамиз ўламиз! — дейдилар, лекин ҳеч қачон ўлмайди-гандай дунёга ўралашиб, Оллоҳнинг амрларини бир четга улоқтирадилар.

Пайғамбаримиздан нақл этил-

• Сурхон томонларда ИККИ ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИДАГИ БОЗОР

Биласизки, Узун тумани Сурхондарё вилоятининг қўшни Тожикистон Республикаси билан туташ, чегарадош ҳудудидир. Ана шу туман марказида, аниқроғи қадимий Обизаранг дарёси бўйида уч ойу беш кунда 78 миллион сўм сарфланиб зўр бир тижорат ва деҳқон бозори бунёд қилинди. Қурилишнинг 90 фоизини эса тижоратчиларнинг ўзалари амалга оширдилар. Шуни ҳам айтиш керакки, шарқона услубда қурилган бундай бозор ҳозирча вилоятда яқка-ю ягона. Ўтган чоршанба куни вилоят раҳбарлари, жамоатчилик иш-тироқида бозор очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Эндиликда эса бир йўла икки минг нафардан ошиқ савдо ходими ишлай олиши мумкин бўлган бу бозор халқнинг яхши кунлари, тўқинлиги учун хизмат қилаётир.

Маҳмуд АБУЛҒАЙЗ

Оламга гап қўй

«МТ» — ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ

Швециялик биохимик олимлар «МТ» номли дори яратишди. Ҳозир Малмо шаҳри яқинидаги қамокхона маҳбусларида си-наб кўрилаётган бу дори инсон миясига таъсир этиб, жажл, қизикқонлик ва ўз хатти-ҳаракатларини бошқаролмаслигининг олдини олар экан. Олимлар «МТ»ни жиноятчиликка қарши курашнинг энг яхши ва энг замонавий воситаси деб аташмоқда.

ИСТИҚЛОЛГА ТЕНГ ЁШИМ



Санъатга, маданиятга ошно қалб маънавий баркамол бўлади. Айниқса, жозибали кўшиқ, муסיқа тинглаган инсон юрагидида гулорлар бирпасда тарқаб, кўнгилга сокин илиқлик югуради.

**Бу кун тўртта тўламан,
Йўнаб-йўнаб куламан.
Истиқлолга тенг ёшим,
Кулиб турар куёшим.**

Дарҳол кўз олдингизга ўзининг ширали овози ва чиройли ҳара-

катлари билан кўшиқ куйлаётган, мурғак қалбидан гўё нур таралиб турган Дилшодбек келдимми? Биз эндигина беш ёшга тўлаётган, аниқроғи ўзи кўшигида айтганидай истиқлол билан тенгдош жажжи санъат шайдоси ила ҳар тўғрида суҳбатлашдик.

— Мен жуда кичкиналимдан кўшиқ айтаман. Ойим ошхонада овқат қилаётганларида нукул кўшиқ хиргойи қилардилар. Мен эса уларни эшитиб, дарҳол ёдлаб олардим — дейди Дилшодбек.

Дилшодбек Каттабеков ҳали беш ёшда бўлишига қарамай Сирдарё вилояти Ховос тумани Алишер Навоий номидаги ўрта мактабнинг 2-синфда ўқийди. Ҳатто инглизча гапиришни ҳам сал-пал билади.

— Доскага бўйинг етмайди-ю, мактабда ўқишга қийналмаяпсанми?

— Доскага чиксам ўқитувчим Ҳанифа опа ёки синфдошларим кўтариб туришади, мен ёзаман. Баҳо-ларимнинг ҳаммаси аъло-ю, шу математикадан тўртми борда. Мактабга боришда ва қайтишда акаларим Ойбек ва Отабеклар сумкамни кўтаришади. Мен эса йўлда кўшиқ айтиб келаман.

— Дилшодбек, ҳозиргача қанчаданг кўшиқларни ўргандинг?

— Қаҳрамон Отаевнинг «А-яя, а-яя», А. Азимовнинг «Фаррух бобо», Анвар Обиджоннинг «Капалак», «Кўгирчоқ» каби шеърларини кўшиқ қилиб айтаман. Аммо «Озод элнинг ўғлиман», «Хумо қушим» каби кўшиқларим ўзимга кўпроқ маъқул келади.

— Бўш вақтларингда роса ўйинчоқ ўйнасанг керак-а?

— Ҳа, гоҳида. Аммо бўш вақтларимда кўпроқ расм чизишни, ком-

пютерда ишлашни, инглиз тилини ўрганишни, қолаверса шеър ёдлашни ёқтираман.

— Бешта фарзандим бор. Ойла-мизда ҳаммамиз санъатга қизиқамиз.

Аммо Дилшодбекдаги санъатга талпиниш, қобилият бошқаларга қараганда кучлироқ — дейди Дилшодбекнинг дадаси Равшан ака.

Истеъдодли ёшлар кўригининг лауреати, Улугбек жамғармаси мукофотининг совриндори бўлган Дилшодбек «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўшиқлар кўрик танловининг якуний босқичига ҳам қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Санъат осмонига бўлажак парвозларинг муваффақиятли бўлиб, ёмон кўзлардан сени Яратганинг ўзи асрасин, Дилшодбек!

Тиловат СОАТОВА

• Қишлоқ нафаси

А Р А В А К А Ш

Қишлоқнинг ўнқир-чўнқир, тупроқли йўлларида қизил жайрон отига тақилган аравазини шиқирлатиб келаётган, бошига кўк салла ўраб олган бу одамни ҳаммамиз «Улаш аравакаш» дердик. Уни айниқса, биз болалар жуда яхши кўрадик, негаки, унда болаларга зарур ҳамма нарса шар дейсизми, ҳар хил ўйинчоқларми, кўйинг-ки, бошқа атторларда топилмайдиган сақингача бўларди.

Улаш аравакаш қишлоғимизга кириб келиши биланқот хатин-қизлар, қария онахонлар ҳам пешвоз чиқардилар. Улаш бобонинг яхши одати бор эди. Унга харидор нима берса олаверар, кўплар олган майда-чўйдалари эвазига шиша идиш, жун, баъзилари товук, теригача беришарди.

Қишлоқда кашта тикмаган қиз, урчук йигириб, гилам тўқимаган бирорта аёл топилмасди. Қизлар ҳам ёш-лигидан дастурмолча тўқишу кашта тикишни ўргана бошлайдилар. Бу ишларнинг бошида эса кайвони онахонлар туришарди. Хуллас, хотин-қизлар халқ ҳунармандчилигининг сир асорларини етти яшарлигидан ўрганишни бошлайдилар. Улар бу каби ишлари билан эл орасида «чевар, моҳир тикувчи» деган номга сазовор бўладилар. Бу ишларни амалга оширишда аввало хом ашё керак эди. Улаш аравакаш эса хом ашёларни ҳар доим етказиб ўрарди.

Улаш яна бир яхши одати — болаларни ширатда яхши кўрар, бирорта боланинг пули ёки алмаширадиган буюми бўлмаса, ҳам унга текинга нарса бериб кўнгилни кўтарарди. Уша пайларда қишлоқда бирорта ўғирлик бўлганини эшитмасдик. Борди-ю, кимдир билиб-билмай бировнинг молига кўз олайтурса шу заҳоти қишлоқ оқсоқоллари тўғлиниб дарҳол чорасини кўришарди.

... Жавзонинг жазирама кунларидан берида Улаш бобо яна аравазини шалдиратиб қишлоғимизга кириб келди. Нима ҳам бўлди-ю, сафимиздаги болалардан бири харидорларнинг кўнглиги, савдо-сотикнинг қизиб кетганлигидан фойдаланиб унинг би-сотидан нарса ўғирлади. Бу воқеани пайкаган одамлар савдони тўхатиб, биргалашиб болани ота-онасининг олдида бориб, уларга танбех бериб, эл олдида уялтирмоқчи бўлишарди.

Улаш аравакаш саҳий, меҳр-оқибатли, яхшилик уруғини сочувчи одам эмасми, бу сафар ҳам бечора боланинг жонига аро кирди. «Биродарлар, болага бу нарсани олишга мен рухсат бердим-ку! Ана ўзи айтсин. Тў-

рими, ўғлим?» — деди. Шунда кўркудан қалтираб турган Ҳалим кўзларида милт-милт ёшлари билан Улаш бобого илтижоли термулиб, «тўғри» деди.

Эртаси кун қишлоқда дув-дув гап кўтарилиб кетди. Кечаги воқеадан хабардор бўлган Ҳалимнинг отаси «ўғлим ўғирликка қўл ўрган бўлса биз қишлоқда энди қандай яшаймиз», деб бутун кўч-кўронини кўтарганича кўчиб кетди. Ана шундан кейин «шумтакалар» сафи яна биттага камайди. Энди орамизда Ҳалим йўқ эди. Ҳар сафар Улаш аравакаш Ҳалимнинг қаршилардик. У бир сафар атайлаб биздан Ҳалимни сўради. Ота-онаси билан бошқа ёққа кўчиб кетганини айтганимизда Улаш бобо «эх, аттанг» дегандай бошини чайкаб қўйди.

Улаш аравакаш кейин ҳам жуда кўп келди. Ҳар сафар келганида уни илк бор биз «шумтакалар» қарши олардик. Яна бир зумда унинг атрофини қўқ, қизил кийган аёллар, кампирлар ўраб олишарди. У бир зумда нарсаларини сотарди-да, аравазини шалдиратиб қишлоқнинг тупроқли йўлларида келган томонга қараб кетарди. Биз болалар эса яна бир-биримизни қувлашиб унинг изидан чопардик. Қишлоқ чеккасидаги тепалиқдан то кўринмай кетгунича унинг ортдан югурғилардик.

Анча йиллар ўтди, Улаш аравакаш ҳам қишлоғимизга келмай қўйди. Қишлоқнинг «шумтакалари» ҳам бугун бошқа ишлар билан машғул. Уларнинг «Улаш аравакаши» йўқ, Бугун ҳаётга, одамларга боқиб чуқур хаёлга толаман, ўзимча мулоҳаза юритаман. Биз ўшанда аравакашнинг изидан эмас бугунги кунда одамларимиз ўртасида бир қадар йўқолиб бораётган меҳр-оқибатнинг изидан юғриб қолганимизу саховат эса қишлоқнинг ўнқир-чўнқир тупроқли йўлларида аравакаш тимсолида кетиб қолгандек бўлаверди хаёлимда.

Абдурашул ПАРДАЕВ



• Мулоҳаза

«КЕНГАШЛИ ТҮЙ ТАРҚАМАС»

Республикаимиз мустақилликка эришгач, хотин-қизларнинг мавқеини оширишга, оилалар мустаҳкам-лигини таъминлашга, соғлом авлод тарбиясига эътибор кескин даражада қўйди. Лекин, менимча, бу борада ечимини ку-таётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Бугун шулар ҳақида ўз мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчи эдим:

— бозорларда, кўча-кўйда тиланчи ва гадойлар (уларнинг орасида кўпи аёллар) кўпайиб кетди. Нега улар тартибга ча-қирилмайди, уларга нисбатан чоралар кўрилмайди?

— болалар тарбияси, рўзгор юмушлари асосан аёллар зим-масида бўлишини эътиборга олиб уларнинг иш соатлари қисқарти-рилса ёки уларга қўшимча дам олиш кун берилса, мақсадга му-вофиқ бўларди;

— турмуш қуриш ниятидаги ёш-лар ФХДга ариза берганлари-

дан кейин улар тиббий кўрикдан ўтиш учун юборилса. Токи йигит ҳам, қиз ҳам, қолаверса, куда-анда тутиниш ниятидаги ота-она-лар ҳам ёшларда бирор касал-лик бор-йўқлигидан огоҳ бўлиш-син. Шунда оилалар ажралиши сабабларидан бирининг пайи қир-қилади, менимча;

— эр-хотинлар фарзанд кўрган-дан кейин ажралиш ҳақида ариза берса, инobatта олмаслик керак. Токи тирик етимлар кўпаймасин;

— турмуш қураётган ёшларни дав-лат йўли билан уй-жойли қилиш масаласи ҳам уйлаб кўрилса яхши бўларди.

Буларнинг бари менинг шахсий мулоҳазаларим. Ҳақиқат эса баҳс ва мунозараларда юзага чиқади. Ахир халқимиз бежизга «Кенгашли тўй тарқамас» демайдику.

Мирпаёз ФИЁСОВ,

II Жаҳон уруши қатнашчиси,
2-тоифа ногирони

• Қатра

«ҚАЕРДАСАН БАҒРИТОШИМ?!»

Иш вақти тугади. Бироқ уйга шошилмасдим. Наза-римда кимдир мени таш-қарида кутиб тургандек туюлди. Деразадан қа-райман, ҳамкасабам сўз қо-тади: «Биров келиши ке-ракмиди?». Шошиб жавоб бераман: «А? Йўқ».

Автобуста кетаяпман. На-заримда кимдир мендан кўз узмаётган-дай туюлади. Атрофга шо-шиб мура-лайман. Ҳар ким ўзи билан ўзи овора.

Йўлда ке-лаяпман. Ор-қамдан кимни-нгдир оёқ тову-ши келади. Уша кимдир

ҳар бир ҳаракатимни ку-затиб келаётгандай. Ўзим-га сўз бераман: «Орқамга қарамайман». Аммо бардо-шим етмади. Сузимни ус-тидан чиқолмадим... Ҳеч ким йўқ.

Эшикни очиш учун кал-лит соларканман, назарим-да кимдир мени ичкарида — уйда кутиб тургандек туюлди. Ички интиқлик билан шошиб эшикни оча-ман. Хоналарни бирма-бир кўздан кечираман. Яна ҳеч ким йўқ. Йиглагим кела-ди. Кўзгуга кўзим туша-ди. Ич-ичимдан нидо ке-лади: «Нега мени ал-дайсан?». Аксим кўзлари-да бир сўз утади. Ўқийман: «Қаердасан, ба-ғритошим?!»

Ойгул УБАЙДУЛЛА қизи

РАИСНИ ЙИҒЛАТГАН КУЛОЛ

Дунё турфа хил одамлари бор учун ҳам қизиқ. Саноғи ёлғиз Яратганининг ўзигагина аён бўлган Одам Атонинг болалари даврга монанд тез-тез ўзгариб турадилар. Аммо бизнинг қахрамонимиз...

Сурхондарёда Қудрат Асоровни билмайдиган одам кам. Ўзи яшайдиган Шеробод шаҳрида-ку мухлислари олис-олислардан қорасини кўриб-қоқ таниб олишади. Чунки унинг ташқи кўриниши кишини-ёкин бир хил. Ижодхонасига касб-корига хос бўлмаган тарзда — ҳарбий дала формасида қатнайди. Бирор киши ундан касби-корини сўраса «Буни мендан эмас», Шеробод туманидан сўранг, чунки мен орзу ва армонларимни тупроққа тўкиб соламан...» дея суҳбатдошини «Кулол» акционерлик жамияти (илгариги Шеробод керамика баддий буюмлар заводи)да жойлашган ижодхонасига бошлайди. «Суҳбатнинг бугёи нима билан тугар экан», деган ўй бизнинг ҳам шууримизга ўрнашиб қолиб, беихтиёр эргашамиз.

— Шерободнинг ҳақиқий ёшини ҳалигача ҳеч ким билмайди. Бу ердан Буюк ипак йўли ўтган. Ҳамиша ишларимда шуни акс эттиришга ҳаркат қиламан.

Қудрат аканинг феъл-атворини синчковроқ одам ясаган сопол буюмларига қараб ҳам билиб олиш мумкин. Ажинларида минг йиллик ташвиш ва орзулари зоҳир бўлган Сурхоннинг кўнгирот аёли, унинг бошида бугунги аҳли аёл учун аллақачонлар ўтмишга айлиниб кетган, пешонабоғ чандилган узунчоқ дўппи. Невараси учун урчуқ йиғираётган захматкаш қайнони кампир сиймосида аллақандай англаш мушкул бўлган ботиний ҳикмат мужассам. Қудрат акада бўш вақт деган нарсани йўқ ҳисоби. Ҳаттоки кечқурунги нонушта пайти ҳам ўтмиш, келажак, маънавият, санъат, мозий кулолчилик ҳақида «маъруза» қилади. Шаҳар мактабида муаллима бўлиб ишлаётган Раъно опага-ку хўжайинининг феъл-атвори беш қўлдек аён. Бироқ бу хонадонга илк бор меҳмон бўлган киши ҳам ушбу «неъмат»дан бебаҳра қолмайди. Ҳаттоки, соҳаси бошқа бўлган ҳамсуҳбатларга ҳам мавзу бегона туюлмади. Чунки, у амалдорларга ҳам, ишчига ҳам бир хил муомалада бўлади. Ўтган йили Шеробод туманига ташриф буюрган «Обид-А» театрининг раҳбари, машҳур қизқичи Обид Асомов ҳам кулол тўхфа қилган сопол вазага, ундаги эсдалик ёзувга анча вақт маҳлиё бўлиб қолди. Ниҳоят салкам ўн минг томошабиннинг нигоҳлари қадалиб турганини сезиб тилга кирди: «Раҳмат Қудрат ака, кам бўлман».

Қудрат ака ҳам биргина раҳматга озининг таноби қочадиган аниолардан эмасди. Ташақкур ўрнида қизқичига деди: «Обид ака, шерободликлар пойтахтдан 800 километр олисда яшашса ҳам яхши санъаткорнинг қадрини билишади. Фақат телевизорда кўриниш беравермасдан, кишлоқлардаги мухлислари ҳам йўқлаб туринг». Табиийки, томошага йиғилганлар орасида ижодкорнинг дунёсидан узокда, сопол буюм билан тол қосанинг фаҳмига бормаидиганлар ҳам топиладди. «Матоҳини шу ерга кўтариб келмаса бўларми?» дея норози тўнғиллаганлар ҳам бўлди.

Бир оқшом йўл-йўлақай мухлисларига ватанпарварлик, армон, виждон қийноқлари ҳақида билганича сабоқ бериб уйига қайтган кулол дарвозаси қулфида чиройликни тақлифномани кўрди. Тавба, кимсан раис бободан экан, ё тақлифнома адашган, ёки... Ёдидан чиқай дедди — раиснинг рафикаси билан битта синфда ўн йил ўқиган. Аммо сийловлар, иззат-икромлар меҳмонларнинг амалига, тўнига қараб бўлавергани раиснинг ранжитандек бўлди. Қудрат аканинг дилидан «йиртиқ бўлса тўним йиртиқ, кўнглим султондан ортиқ», деган ўй кечди. Ниҳоят, кулолга ҳам табрик навбати етиб келди. Давра раиси гўё амрининг жарчисига хос эълон қилди:

— Ўзбекистон Раисомлар уюмаси аъзоси, Ёшлар Иттифоқи мукофоти совриндори, истеъдодли кулол Қудрат Асоров бугунги баъзи жамшид билан тўй соҳибларини муборакбод этмоқчилар!

Аммо раис бобонинг ширакайф бўлиб қолган иззатли меҳмонлари Қудрат аканинг муқаддас Ватан тарихи, буюк аждодларимизнинг ҳикматли ўғитлари, исталган сопол буюмни яшаш мумкин бўлган Сурхоннинг олтин тупроғи ҳақидаги кириш сўзига ҳам яхши тилакларига ҳам парво қилишмасди. Ўзлари учун қизқич бўлган ниманидир гурунглашиб, бир-бирларига қарсиллатиб қўл ташлашиб, қаҳқаҳа отишарди. Нотик «бироз кутайчи, балки жим бўлишар» деган ҳаёлда сукут сақлади. Аммо туман катталарининг ёқимсиз шовқини авж олаверди. Ниҳоят Қудрат ака сўз қуролини ўқлаб ҳужумга ўтди:

— Эй, сиз, бўйинбоғли бедарлар, кулоқ солинг!!!

Ногаҳоний жанговар қаҳриқдан даврага сукут чўмди. Нотик давом этди.

— Бугун ҳеч кимга гап кам бермайсиз, тўр ҳам сизларники. Аммо билинглари, қайтар дунё, эртага тагларидаги стулни тортиб олишса

бошларингиз эгилиб камгап бўлиб қоласизлар. Сизларнинг гапингизга кулоқ солдик. Энди оғир бўлса ҳам сабр қилингларида.

Қудрат кулол даврага ўз ҳукмини ўтказган эди. Маст давра умрида эшитмаган ошқора нутқни сабр билан берилиб тинглари эди. «Бугёи қандоқ тугар экан». Нотикқа қадалган нигоҳларда ана шундай савол аломати бор эди. Ғазаб отига минган кулолнинг «илҳоми келди». Ўткир нигоҳлари билан тўй эгаси бўлган раис бобони нишонга олди:

— Сиз ҳам шу жанобларнинг сохта мактовларига керилиб ўтирибсизми раис бобо, бошингизни майкосадан кўтариб осмонга боқинг!

Тўй иштирокчилари «Ғафлатда қолмайлик тагин», деган хавотирда ёпасмига осмонга қарашди. Осмонда паға-паға булутлардан бошқа ҳеч нарса кўринмасди. Нотик эса бисотидаги сўнгги ўқни жойлаб нишонга аниқ урди:

— Сиз бу ерда дарди йўқларга қўшилиб фақирлар устидан кулаясиз, у ёқда эса, — Қудрат ака шаходат бармоғини яна осмонга ўқталиб давом этди, — раҳматли падарингизнинг руҳлари безовталаниб кўз ёши тўкаётир. Кўзингизни каттароқ очиб қаран!

Нотикнинг таъналаридан сўнг кайфи тарқаб хушёр торган раис бобо ҳам, давра аҳли ҳам осмонга қарашди. Шу чоқ гўё атай қилгандек майдалаб ёмғир ёға бошлади. Раис бобонинг ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди.

Вазиятнинг бундай тус олишини кутмаган кулол шоша-пиша нутқини аяқлади.

— Йиғламан! Бу отангизнинг севинч кўз ёшлари. Марҳум сизнинг тўй қилаётганингиздан севиниб йиғлаятилар...

Саломат бўлинглар, ҳаммани тўйга етказинг! Сўз берганларинг учун ташақкур!

Хуллас, кулол раиснинг тўйидан тўн қийиб уйига қайтди...

Яқинда муассавирнинг ижодхонасига бориб янги ишларини томоша қилдим. Бироз маъруза тингладим.

— Аёлларнинг сўти камайиб кетди, — деди қуёнчақлик билан кулол ўзи ясаётган асарга изох бераркан. — Мана соғлом авлод муаммоси қаёқда! Экологик мувозанатнинг бузилиши шунга олиб келмоқда. Биз эса фақат бугунни ўйлайдиган бўлиб қолдик... У яна Алпомишу Барчинойларнинг бугунги ворислари ҳақида қайғуриб узок маъруза қилди. Сўнгра нонушта қилгани кулолнинг уйига бордик. Ижодхонасида бўлган машҳур

шахсларнинг ташриф қоғозларини кўздан кечирдим. Кулолнинг рафикаси овқат олиб келди. Қудрат аканинг анорлар тирбанд экилган тўрт сотиҳча келадиган ҳовлисига разм соларканман «туман ҳокими билан муносабатингиз ёмон эмас, бирорта хўжалиқдан сўрасангиз томорқа олиб берамиди? Ҳатто ошқовонки ҳам бозордан олар экансиз», дедим. Кулол металл қошиқ билан сопол лағандаги ошқовонки эзгилаганча ўйга толди.

— Шугина жойининг ҳам солиғини тўлай олмаганман. Сабр қилайчи, Худо бир нарсга дегандир. Академик Аҳмадали Асқаров ижодхонамга келган эдилар «Тошкентга борсанг, санъат лицейидан дарс олиб бераман. Ойлангни ҳам мактабга ишга жойлаштирамиз, бу ерда саргайиб юрма барибир қадрингга етишмайди», деб мени кўчишга ундади... Покистон давлатининг Ўзбекистондаги элчиси Шафқат Али Шайх жанобларига ҳам асарларим ёқиб қолди. Ўтган йили Покистонда бўлиб ўтган Ислом мамлакатлари хунармандлари ва ижодкорларининг санъат байрамига олиб кетмоқчи бўлдилар. «Нарсаларингни Тошкентга олиб борсанг бўлгани, қолган харажатлар мендан» деган эди. Тошкентга боришга ҳам чўнтагимнинг қурби етмас эди, қолиб кетдим...

Кулолдан бир кун кулолнинг ёнига кимсан — Берлин университети профессори жаноб Эрнст Дирхнинг шахсан ўзлари келдилар. Кулол немис археологига ҳам воҳа тарихи, қадимий маданият, урф-одатлар ҳақида билганича сўзлаб берди. Немис олими камгап экан. Мезбоннинг ўзи ёрилди:

— Агар контракт асосида Германияга бориб ишласам, зарар қилмайманми?

Унинг ишларига маҳлиё бўлиб қолган профессор дангалини айтди-қўйди:

— Биз томонларда ҳам яхши яшаш учун истеъдоднинг ўзи кифоя эмас. Иш топиш ҳам катта муаммо. Умуман қийин масала... Масалан, мен ҳам шохона яшамайман, Қудрат. Шахсий уловим ҳам йўқ.

Кулолнинг немис профессorigа раҳми келиб кетди. Тўғриси, унинг жавобидан кўнгли бироз таскин топагандек бўлди.

— Менинг «Минск» мотоциклим бор, эсдаликка ола қолинг. Фақат судраб ўт олдиршга тўғри келади — тепкиси йўқ...

Профессор кулолнинг марҳаматига жавобан мийидада қулиб қўйди, холос.

**Бахтиёр ОЛЛОМУРОД,
Сурхондарё вилояти**

• ФИКР

«БОҒЧА АМАКИДАГИ... БОРМИ?»

Япония кинематографчилари суратга олган «Муҳаббат нима?» деган фильми кўрагимда 8-синфда ўқирдим. Воқеа ўрмон орасида жойлашган шаҳарчадаги болалар босчасининг тарбиячиси бўлиши Томонари исми йиғит ҳақида эди.

Уша боғчининг болажонлари тарбиячи акаларидан кўп нарсга ўрганишар, жуда бахтли эдилар. Тарбиячи йиғит спорт майдончасида жисмоний машқларни бажарар экан, болалар илоҳий мўъжизани кузатаётгандек боқишар, ундан қолмасликка интилишарди. Овқатланиш одоби, турли ўйинчоқларни яшаш, кашта тикиш ва турли машғулотларни шундай моҳирлик билан ўргата оларди.

Болалар Томонарининг изидан сира қолишмас, унинг мактовига сазовор бўлиш учун айтганларни астойдил бажаришарди, киши беихтиёр завқланарди.

Бу кинодаги унчалик аҳамият бермаган воқеалар кейинчалик, ўзим оилали, фарзандли бўлиб боғча опаларга ишмиш туша бошлагандан кейин тез-тез ёдимга тушадиган бўлди.

Кўпинча боғча опалар болаларга кўрс, қўлол муомала қилаётганини кўрсам-да индайд олмас, аралашмас эртага менинг қизимга ҳам шундай муомала қилиши мумкинлигини ўйлардим.

Ҳар кун икки бор боғчага келсам ҳам болаларнинг кўзларида боғча опасини кўрганда пайдо бўладиган қувонч унқиларини кўрмасдим. Аксинча, стулчаларга қатор қилиб ўтқазиб, ёқадими йўқми кўлларига биронта ўйинчоқ бериб қўйилган гўдақларнинг қиёфасидаги боғча опаларига ҳадиксираб боқишлари эсимда қолган, холос.

Ўйлаиб қоламан. Бизда нега педагогика олийгоҳларидаги мактаб ёшигача бўлган факультетларга йиғилар ҳеч қанон ҳужжат топширмайдилар. Йиғитларнинг боғчаларда тарбиячи бўлиб ишлашлари уят ҳисобланармикан?

Мактаб-интернатларда ишлаётган тарбиячиларни биласан, аммо, бу катта ёшдаги ўсмирлар билан беғубор ширинтойлар ўртасида анча фарқ бор-да! Қанийди, ҳар тўрт болажонлар боғчаларига қушдек учиб борсалар.

Ушбу воқеани баён қилиш баробарида ҳаммагиз яхши кўрган «Омадли жентлменлар» киносидаги Евгений Леонов яратган образни эслатмоқчи. У янги йил байрамига тайёргарлик қўраётган севимли кичкинтойларнинг овозини бир бор эшитиш учун жонини хатарга қўйиб бўлса-да боғчага телефон қилади. Яна «боғча амакиннинг уйда, иш кабинетида болаларнинг суратлари илиб қўйилганими? Ёзи Ганс Християн Андерсеннинг «Қор маликаси» даги эртаски йиғит... Болалар уни қандай севинишади.

Аёлларимиз эркаклар бажариши мумкин бўлган шофёрликдан тортиб, юкчиликми, пайвандчиликми уялмай, бажаришга одатланишган нима учун эркакларимиздан ҳалигача «Боғча амаки» чиқмапти?

Шахсан мен, йиғитларнинг ҳам тарбиячи бўлишларини орзу қилардим. Чунки, барибир болалар эркакларга кўпроқ меҳр қўяди...

Басира САЙИД АЛИ

Оламда гап кўп

АМАЗОНКАНИНГ ЯНГИ СИРИ

18 йилдан бери Амазонка ўрмонлари ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганиб келаётган Силвия де Гаас бўйи бир метрлар чамаси бўлган қурбакага дуч келди. Докторнинг таъкидлашича, бу улкан қурбака 4-9 метр узунликка сакрар экан. «Энимда фотоаппарат ёки видеокамера йўқлиги панд берди», дедимда де Гаас хоним.



1959 йилда ўқишга кириш учун ҳужжатларни Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига топширдик. Иمتиҳонлардан ўтган талабалар тезда бир-биримиз билан дўстлашиб кетдик. Айнан ўша йилдан бошлаб Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги «Сурхон» давлат ҳўжалигидан келган волейболчи йигит Кўчқор Каримов билан дўстлигимиз бошланди.

Кўчқор ўрта мактабда ўқиб юрган вақтларидаёқ спортнинг энгил атлетика, волейбол ва футбол турлари билан қизиқиш қолди. Тиришқоқ ва чарчаш нималигини билмайдиган бу ўқувчи жисмоний тарбия муаллими Виктор Кузин диққатини ўзига тортди. Туман ва вилоят миқёсидаги мусобақаларда қатнаша бошлади.

Ўрта мактабни тугатиб, армия сафида хизмат қилар экан, у спорт билан яна ҳам кўпроқ шўғулланди. 1957 йили ўзи хизмат қилаётган бўлимининг волейбол командаси сафида Сибир ҳарбий округи чемпиони бўлди, бу галабалар қишлоқдан чиққан ўзбек йигити учун осонликча қўлга киритилгани йўқ. Институтда ўқиб юрган йилларида Виталий Сушко, Анатолий Лопатин, Очил Муҳаммадиев сингари волейболчилар билан биргаликда республика биринчиликларида қатнашди, талабалар ўртасида собиқ советлар мамлакат мусобақаси совриндори бўлди.

Республикаимизнинг машҳур қишлоқ ҳўжалик ходимларидан бири,

меҳнат қаҳрамони Давлат Алибоев бош бўлган «Сурхон» давлат ҳўжалиги барчага ўрнатилган жамоага айланди. 1978 йилга келиб ҳозирги замон талабларига жавоб бероладиган ажойиб спорт комплекси ишга туширилди. Ўша йилнинг ўзида бу ерда болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўз фаолиятини бошлади. Олий ўқув юртини муваффақият билан битириб келган Кўчқор Каримов, Азим Давлатов каби ёш мутахассислар энг шимариб ишга киришиб кетдилар. Кўчқор мактаб директори этиб тайинланди.

1989 йили Кўчқор Каримов раҳбарлигидаги «Сурхон» давлат ҳўжалиги жисмоний тарбия жамоаси аъзолари вилоят ишчилар спартакиадада ғолиб чиқиб, кейинчалик Москвада бўлиб ўтган Бутуниттфок

Нихоятда қувноқ ҳайдовчимиз бу сафар ўзини йўқота бошлади, ранги оқарди, шоша-пиша қўллар қалтираган ҳолда ҳўжатларини чиқарди. Ишмиз пачава бўлиши турган гап.

Шу вақт дўстимизнинг «Иш билгандан кўра гап бил» қабилда иш тутиши барчамизни лол қолдирди, у машинадан югуриб тушиб ДАН ходимига яқинлашди ва шоша-пиша «Ўртоқ капитан, кечирасиз, биз машинада Ахбор Имомхўжаевни аэропортга олиб кетаяпмиз. Бугун Тошкентда «Пахтакор» — «Динамо» Киев ўйини бўлди, у киши ўша учрашув ҳақида репортаж олиб боришлари керак. Шунинг учун шошиб кетаётган эдик», — деди.

Капитан бўлса бунга ишонмади чоғи машинага яқинлашиб ичкарига қаради, сўнг камини билан самимий кўришган ҳолда ҳайдовчига барча ҳўжатларни қайтариб берди ва «Пахтакор»га омад тилади.

Машинамиз йўлда кетаркан Кўчқорга гап ташлаيمان: «Яхшиям милиция ходими ҳақиқий футбол мухлиси эмас экан, акс ҳолда у бугун Тошкентда ҳеч қандай футбол ўйини бўлмаслигини яхши билган бўларди».

Ўртада қўлги кўтарилди.

Бу сафар яна «Сурхон» давлат ҳўжалигига йўлга чиқмоқдам.

Биламан, Кўчқор дўстим бизни ўзи қойилмақом қилиб тайёрлаган яхна чалоп билан кутиб олади. Дўстлар бироз дам олишгач, ўзимиз севиб қолган стадион томон йўл оламиз, у ерда Шодавлат, Баҳром, Йўлдош, Махмуд, Азим, Зафар каби йигитлар билан футбол ўйинида иштирок этамиз. Кўм-кўм майса устида ялангоёқ бўлиб олиб, тўп тепамиз.

Яхшилар доимо омон бўлишсин.

Ахбор ИМОМХЎЖАЕВ

ҚИШЛОҚ СПОРТИ ЖОНКУЯРИ

ишчилар спартакиадада иштирок этдилар.

Каримовлар хонадонига кириб борар экансиз, ўзингизни худди кичик спорт комплексига киргандек ҳис қиласиз, атрофда турник, халқа, гантеллар, тошлар. Кўчқор ака, унинг рафикаси вилоятнинг илғор шифокорларидан бири Светахон, уларнинг фарзандлари Қаҳрамон ва Зафар жисмоний тарбия ва спортнинг ҳақиқий фидойиларидир. Ҳар кун и эрталаб бадан тарбия машқларини биргаликда, бажарадилар.

... «Сурхон» Давлат ҳўжалигида Кўчқор дўстимиз хонадонига дам олганимиздан сўнг оила аъзолари мени энгил машинада Душанбе аэропортига кузатиб қўйишадиган бўлди. Машина Тожикистон йўлларида катта тезликда боради. Гарчанд мен ҳайдовчи укамизга «Бу ер Ўзбекистон ҳудуди эмас, машинани секинроқ ҳайдаш керак» десам ҳам у тезликни камайтирмасди. Нихоят ДАН машинаси бизни қўлаб ўтди ва тўхташимизга мажбур этди.

Қадрли муштарийлар! Биз ушбу сондан бошлаб видео оламида мухлислар ва мутахассислар эътиборига тушган энг сара ва янги филмлар борасида сизларга қисқача маълумот бериб боришни лозим топдик.

ИККОВЛОН: МЕН ВА СОЯМ (комедия)

Режиссёр — Энди Теннант
Ролларда — Кирсти Алли, Стив Гуттенберг, Мэри-Кейт ва Эшли Олсен, Филип Босю.


1996 йил.

Худди эгизаклардай бир-бирига ўхшаш иккита шўх қизалоқ Алиссанинг сўққабош отаси ва Аманданинг бева энагасини бир-бирига қовуштириб, ўзларича бахтли қилишмоқчи бўладилар. Филмдаги қўлгули сахналар ва юмористик сюжетга бой воқеалар томошабинларнинг кўнглини хушнуд этиши табиий.

МУХАББАТ ВА МАФИЯ (жангари филм)

Режиссёр — Жон Н. Смит
Ролларда — Жон Турруро, Мария-Луиза Паркер, Маури Чайкин.
Чикаго мафиясининг боси Сэм Жанкана Лас-Вегасдаги казинонинг машҳур қўшиқчиси Филлис-

га ошиғу беқарор бўлиб қолади. Бу воқеа Америкага Жон Кеннеди президент, рок-н-ролл муסיқа санъати



1996 йил.

Хитой армиясининг генерали Вунинг ҳаётига ёлланган қотил Редж Камерон тажовуз қилади. Маъмурлар Реджнинг боши учун 10 миллион АҚШ доллари ваъда этишади. Қарабсизки, у ҳаммининг ва ҳатто «Триада» жангариларининг ваҳший каллакеसरлари учун ов қилиниши керак бўлган «ўлжа»га айланади.

ЖАНГАРИЛАР

Режиссёр — Шимон Датан
Ролларда — Гари Бюзи, Майкл Парэ.

1996 йил.

Ҳарбий маъмуриятнинг хунрезликларини бажарувчи махсус бўлима жангарилари алоҳида турмада сақланади. Фақат профессионал қотиллардан иборат бу отряднинг командири Вейл жирканч бу дарғохдан қочишга муваффақ бўлади. Унинг шогирди Колин Нилни эса Вейлни ўлдириш мақсадида ортидан жўнатишади.

Дераза

ГЛАДИАТОР ДЕПУТАТЛАР

Тилга олиб бўлмайдиган сўзларни ишлатиб бир-бирларини ҳақорат қилиш, ҳатто мушталлаши фақат Россия Давлат Думаси депутатларига хос хусусият деб ўйлайдиганлар янглишади. Тайван Миллий Мажлисида ҳам бундай воқеалар тез-тез бўлиб туради. «Чайна Нюс» газетаси «Миллий Мажлис сессиялари гладиаторлар жангини эсга солади. Депутатлар курсилар, микрофонлар, мушт воситасида ўзларининг ҳақ эканликларини исботлашга уринадилар», деб ёзади. Яқинда эса депутатлардан бири қизишиб кетиб «ракиби»нинг нозик жойига тепди.

ОИЛАНING ШВЕЦИЯЧА ТАЛҚИНИ

Швецияда 20 ёшгача бўлган йигит-қизларнинг 93 фоизи турмуш қуриш учун никоҳдан ўтиш шарт эмас, деб ҳисоблайдилар ва шунга амал қилиб яшамоқдалар. Катта ёшдаги аҳоли орасида эса бу кўрсаткич 20 фоизга тенг. Бу мамлакатда чақалоқларнинг тенг ярни никоҳсиз оилаларда туғилмоқда.

«ШИША ИЧИДА ТУРИБ...»

Россия аҳолисининг тахминан бешдан бир қисмини «ич-маса туролмайдиганлар» ташкил этади. Уларнинг 90 фоизи эркаклар бўлса, 10 фоизи хотин-қизлардир. Буларнинг ҳар бири кунига камида бир стакан (200 грамм) спиртли ичимлик истеъмол қилади. Бу мамлакатда эркаклар ўлимининг ҳар учтасидан бирида алкогольнинг таъсири бўлишини тиббиёт ходимлари тасдиқлашмоқда.

ЖАҲЛ ЧИҚСА...

Англия терма жамоасининг Европа чемпионати финалига чиқолмагани футбол ишқибозларининг қонини қайнатиб юборди. «Жаҳл қиқиб ақли қочган» икки мингдан зиёд ишқибозлар Лондон кўчаларида тартибсизликлар содир этишди. Ўнлаб машиналар ёндирилди, дўконлар вайрон этилди, 100 га яқин киши жароҳат олди.

ЖИНОЯТЧИ ҲАРБИЙЛАР

Ўтган йили ўзбошимчилик билан ҳарбий қисмини ташлаб кетган ҳарбий хизматчилар томонидан 3 мингдан ортиқ жиноят содир этилган. Шундан 109 таси одам ўлдириш, 64 таси зўрлаб номусга тегиш, 59 таси қурол-яроғ ўғирлаш билан боғлиқ жиноятлардир. Россия Бош ҳарбий прокуратураси тарқатган хабарда шу нарса қайд этилган.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

Энг яхшиси таомни аста-секин,
шошмай чайнаб, ейиш, овқатла-
наётганда асабни бузмаслик ке-
рак.

Бизнинг уйдагилар роппа-роса соат еттида уйғонилади. Бу билан оиламиздагилар еттидаёқ бирин-кетин турилади-ю шу зайл тунги осойишталик, тинчлик барҳам топади, демоқчи эмасман. Чунки оқшом пайти ҳам бизга тинчлик бегона. Тунги осойишталикни орзу қилиш—хомхаёл. Умуман олганда, бизнинг туманимиз, агар гилдираклари асфалт йўлдан узилиб осмону фаллака учиб кетгудай жоникқан мотоциклларнинг тариллагани-ю нақ уйимизнинг томидаги антенага теккудай пастлаб, кўналғиси негадир шундоқ шаҳар бўкинига қурилган аэропортга кўнадиган самолётларнинг варанлаган товушини ҳисобга олмаганда, анча сокин. Хонадонимиз ҳақида бундай дея олмайман. Гоҳида итмиз Дзета итваччаларини кимдандир кўриқлабми, тун ярмида вангиллаб қолади, гоҳ гўдагимиз Лоренцо чулдираб «она тилида» узоқ машк қилади. Буларга чидаса бўлади-ю бироқ уйимизда эрталабдан бошланадиган шовқин-суронни бирор-бири нарсига қийсалб бўлмайди, гўё минг хил асбобда ҳар макомда зўр бериб чалаётган, хониш қилаётган антиқа ансамбл, дейсиз.

Хонадонимизда шовқин-сурон туйқусдан бошланади. Нақ соат еттида соат чириллади. Соатнинг бизгидай ўткир товушидан менинг тирсагим ишга тушиб кетади: тирсақ хотинимнинг бўкинига беихтиёр зарба бера бошлайди. Роса беш минутлардан сўнг, жигарининг атрофида аллақандай оғриқни ҳис этган хотиним ўқдай отилиб туради-ю жонли ракета мисол учиб, кизимиз Валентинанинг хонасига қиради. Хотинимнинг Валентинанинг елкасини жон-жаҳди билан силкитаётганини кўрган одам қиз бечора ҳушидан кетгану бу уни ўзига келтирмоқчи шекилли, деб ўйласа ажаб эмас. Айни пайтда хотин вақтини кўлдан бой бермай, турган жойида қичқиради:

—Робееееертаааа! Франкооооо! Тез турларинг! Кеч қоляписизлар!

Агар америкалик генерал Кастернинг карнайчиси хотинимни таниганидами, ўзининг ярқосиз карнайини улоқтириб, шимол кўшинини жангга кўтаришни унга топширган бўларди. Хуллас, хотин Валентинанинг ётоқ-хонасидан туриб қичқиргани кор қилмаган, яшиндай учиб, Франко билан Роберта ётган хонага қиради. Мен эса бу пайт тўшақда у ёнбошдан бу ёнбошга ағнаб, ҳеч бўлмаса соат тўққизгача мизгиб олишга уринаман, миямни: нега хотин бир хонада туриб бошқа хонадагиларни уйғотмоқчи бўлади, деган савол пармалайди.

Нияҳат, уччала боламиз ҳам уйғониб, ювинишга чоғланганда сурнайбозлик авжига минади. Негадир улар уйдаги бор кранларнинг ҳаммасини охиригача чийиллатиб очиб қўйишни йўзи кўрилади. Кранлардан эрталаб соат 7.30 дан бошлаб оққан сувни ҳисоб қилиш, менимча, ҳар қандай математика ўқитувчисига бир дунё завқ-шавқ бағишласа керак! Бахтга қарши болалар кранни очинча ишқибоз, холос, юзларини шунчаги ҳўллашади, вассалом. Бу кранларнинг шовқини нақ Ниагара шоввасидай даҳлиздан ўтиб менинг кулогимни қоматига келтиради, этим жунжиқади ва совуқсираб, сал бўлмаса тўшақка... Қисқиси, ўрнимдан туриб, ваннахонага югураман. Пайтдан фойдаланиб кранларни бирин-

кетин ёпаман, чунки бу пайт болалар аллақачон нонуштани бошлаб юборган бўлади.

Кайтиб келиб беҳол тўшақка шўнғийман, энди хотиннинг нонуштада болаларга берадиган «қичқирқ-тан-беҳлари»ни хотиржам тинглаш лозим.

Агар сиз чангютгич, идиш-товуқ ювгич, кирювгич ва ҳоказоларнинг бир пайтда ишга тушиб кетганини ўз кулогингиз билан эшитмаган бўлсангиз дўзахни кўз олдингизга келтиролмайсиз. Буюк шоир Данте товуши жонни қийноққа соладиган бу асбоб-ускуналардан хабардор бўлганида, дўзахни тасвирлаш унга хийла осон кечарди.

Антонио АМУРРИ,
Италия

ОИЛАВИЙ «АНСАМБЛ»

Ҳажвий ҳикоя

Тўфоннинг шовқинидай гуриллаган сурон ичида телефоннинг жиринглашини ҳеч ким эшитмайди. Ахир, ўзининг овозининг эшита олмаганча, телефонга ким ҳам жавоб қиларди. Электр асбобларнинг гуриллаган жўровозини итваччалари солинган сават устига қичиб, болаларининг химоясига шай турган Дзетанинг аччиқ-аччиқ ҳуриган овозига бўлиб туради.

—Дзеееееаааа!—кекирдаги йиртилгудай қичқиради хотиним.

—Бррруаабррруаабррруаа,—зўриқади кирювгич.

—Швак-дррабанатак-дррак-драк,—шангиллайди идиш-товуқ ювгич.

—Гав-гав-гаввуу...гав-гав-гав-гаввуу,—ақиллайди Дзета.

—Дзеееееаааа!—қичқиради хотиним.

Шу аллозда пешин бўлади. Чопқилаб-ҳовлиқиб болалар мактабдан қайтишди ва бирин-кетин ошхонага бостириб кириб, онасининг иштаҳаларингизни бўғиб қўйманглар, оқат тайёр, деб бақириб-чақирганига қарамай бири бутербродга, бири печеню, сут бири кока-колага ташлашади. Шундан сўнг кўллариданги ўлжа билан ҳар қайси ўзининг хонасига кириб олиб, машғулотларини бошлаб юборади: Франко кофедан бўшаган еттида тунука кутини қўшиб боғлаган «муסיқа асбобини» завок билан тарақлатишга тушади. Муסיқага укуви йўқлигини ўзи ҳам билладиган Роберта пианинони пала-партиш даранглата бошлайди. Валентина эса магнитофонни бор овозига қўйиб варанглатади.

Даҳлиздан ўтарканман, назаримда, бизнинг уйимиз худди эшикларни очиб, хоналарининг ҳар биридан ҳар хил муסיқалар шовқини таралаётган радиостудиянинг айнан ўзи-я, дея ўйлайман.

—Ҳой, секинроқ, худо хайрларингни берсин!—дейман норозиланиб.

Шу пайт хотиним орага тушади. Ўзининг шанги овозини баралла қўйиб бақиради:

—Бас қиласизларми, йўқми?! Лоренцони ҳозиргина ухлатдим-а!

Албатта, хотиним одатдагидай Лоренцо ухлатган хонадан туриб қичқирапти. Лоренцо унинг овозидан чўчиб уйғониб, «ансамбл»га жўр бўлиб, чинқириб йўғлай бошлайди. Ошхонада югуриб чиққан Дзета ақиллаб беради, унинг вовуллашини тахминан: «Ҳой, инсофларинг борми? Менинг болаларим ухляпти-я!

Бедодликни қаранг!» деган маънода тушуниш лозим.

Бир пайт дастурхон атрофига йиғиламиз. Болаларнинг мактабини, бугун ким қандай баҳо олганини сўраш бошлаймиз. Валентинаники ёмонмас. Хўш, Роберта-чи? Робертаникига чидаса бўлади. (Ундан сўрашнинг ўзи азоб—кўзидан дарҳол дўлдай ёш қўйилади).

—Хўш сеники қандай, Франко?—хотиним терговчилар ҳавас қиладиган оҳангда салмоқлаб, тагдор қилиб сўрайди.—Мактабда тўполон қилмадингми бугун?

—Менми? Ҳеч қандай! Тўхтанг: ўйлаб олай... Менимча, йўқ, ҳеч нима қилмаган бўлишим керак.

—Бирор дарсдан «икки» олмаганингга ишонасанми,—овозини баландлатиб сўрайди хотиним.

—Менми? Ҳа, ойи... халиги...—гўдранади Франко,—менимча олмадимов... Агар янглишмаётган бўлсам...

Франконинг талмовсираётганидан мактабда «ишни пачава» қилиб келганини пайқаш қийин эмас.

Тушликдан сўнг уйимиз нисбатан бироз тинчиди. Чунки бу пайт хотиним дам олаётган-ухлаётган бўлди. Фақат телефоннинг дам-бадам жиринглашигана бироз ташвиш туғдириб туради, холос. Катта қизимиз Валентинанинг 175 нафар ўртоғу оғайничилишлари, соат 13.45 гача мактабда бирга бўлишганига қарамай, нақ 14.45 дан бошлаб унинг овозини эшитишга мушток бўлиб телефоннинг «жонини олишади». Телефонбозлик роса соат 17 гача давом этади. Бу пайт ётоқдан хотинимнинг зумраша Франко билан Роберта бир-бирларига ёстиқ отиб уйку бермаганидан шикоят қилиб, шангиллаган овози келади. Кимдир телевизор қўяди. Телефондаги алоқаларини тутатган Валентина хонасига кириб дарс қила бошлайди: машғулотлар «Битлз» гуруҳининг қийқирқили қўшиқлари садоси остида давом этади. Франко радиони бор овозда варанглатиб ниманингдир суратини чизади. Роберта ғинғиш йиғлагунча онаси билан эртага қайси қўйлагини кийишни муҳокама қилади.

Соат нақ 11 да электр асбоб-ускуналарнинг овози ўчади, тиниб-тинчимас болақайлар ҳам ухлагани ётишади.

Мен, ёлғиз ўзим бедор — тинчликни, осойишталик сасини «эшитиш» иштиёқида кўзимга уйку келмай ўтираман. Ярим тунга бориб умидим ушалади, мен ярим соат чамаси мириқиб осудалик ҳузурини туяман. Шундан сўнг ўрнимга чўзилиб, кўзойнагимни тақаман-да уйку олди-дан баҳузур китоб ўқимоқчи бўлман ва 1968 йилдан бери тумбоқчада ётган китобни қўлимга оламан. Ана шу дақиқада болалар кароватчасининг оёқ томонидаги тўсиғи ортидан кенжатоғимиз Лоренцонинг лўппигина юзи кўринади. У гуручдай, энди туртиб чиққан бир жуфт тишчаларини кўрсатиб кулади ва ишонч билан:

—Дада, бийа бубу ма,—дейди.

—Бу унинг: «Энди иккаламиз бирга копток ўйнаймиз», дегани! Начо-ра, тарки одат-амри маҳол: ҳар оқшом биз иккаламиз айнаан шу ўйин билан машғулмиз. Бу оилавий «ансамбл»имизнинг ҳар кунги энг охириги машғулоти.

Аҳмад ОТАБОЙ таржимаси

Сўнги устун

КЛАРНЕТЛИ РЕКОРД

Испаниянинг Валенсия вилоятида антиқа концерт бўлиб ўтди. Бутун вилоятдан йиғилган 2500 кларнетчи ягона ансамбл тарзида Бетховеннинг «Кувонч гимни»ни ва маҳаллий композитор Падилянинг «Валенсия» номли маршини ижро этишди. Концерт ташкилотчилари Гинеснинг рекордлар китобида даволатнома жўнатишди.

АВТОМОБИЛ ТАЪРИФИДА

Ер юзиде йилига 5 миллион донга яқин автомобиль ишлаб чиқарилмоқда. Бу борада айниқса, «автомобилсозлик гигантлари» ҳисобланмиш АҚШ, Япония ва Германия илғорлик қилишмоқда. Буюк Британиянинг ишлари ҳам чакки эмас. Сабаби, машҳур «Ягуар» русумли машиналар экспорти кейинги йилларда сезиларли даражада ортди.

ОЛТИН ҲАҚИДА СЎЗ

Олтин одатда, табиатда жуда майда, ҳатто кўз билан кўриш қийин бўлган зарралар шаклида учрайди. Лекин онда-сонда бўлсада йирик олтин бўлаклари ҳам учраб туради. Австралияда оғирлиги 100 килограмм, собиқ СССРда эса 36 килограмм яхлит олтин бўлаклари топилганлиги бунинг исботидир.

ШАМОЛ БИЛАН БЕЛЛАШИБ

Японлар нафақат атомобилсозликда, балки мотоцикл ишлаб чиқаришда ҳам илғорлардан ҳисобланишади. «Кавасаки», «Сузуки», «Ямаха» русумли мотоцикллар пойга шароитида соатига 300 километр йўл босишга қодир.

ҲАР ОИЛАНING РЎЗҒОРИ БЎЛАК

Ҳайвонлар подшоши шер 6-7 ёшида воғга етади, у 60-70 йил яшайди. Битта катта шер йилига ҳар бирининг вазни 100 килограммдан ошиқ бўлган 15-16 та йирик ҳайвонни ўлдирди ва улар билан озиқланади. Ҳар битта шер оиласининг тахминан 10 квадрат-километрга тенг ўз худуди бўлади.

СУВХЎР ЭКИНЛАР

Бир килограмм куруқ бугдой донини етиштириш учун 750 килограмм сув сарфланар экан. Сули ва картошка анчайин сувхўр экинлардан ҳисобланишади. Бу экинлардан бир килограмм ҳосил олиш учун 1250 килограмм сув талаб қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ:

700083, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефон: 36-56-52, 34-86-91
Алижон САФАРОВ
навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Руйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0330 21597 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Муассисларимиз:

Ўзбекистон Республикаси
Хотин-қизлар кумитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

БОШ МУҲАРРИР:

Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Газетамиз бош ҳомийси:

Ўзбекистон «Матбуот тарқатилиш уюшмаси» ассоциацияси